

АГРАР ИКТИСОДИЕТ

1-2/2013

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МУАММОЛАР
БЮОЛЛЕТЕНИ**

МУНДАРИЖА

1. Қ.А.Чориев. Пахта ва галлачиликка ихтиесослашган фермер хўжаликлари таъсисчилигига кишлок хўжалик кооперативи ташкил этишининг афзаликлари ва чоратадбирлари.....	4
2. Қ.А.Чориев, Р.Қ.Баходирова. Кишлок хўжалигида кооперация шакл ва муносабатларини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг ахамияти.....	10
3. Т.А.Мадумаров, А.Г.Кожевникова, У.Расулов, С.С.Кожевников. Устойчивость нового сорта хлопчатника «АндКХИ - 1» к сосущим вредителям.....	15
4. И.Э.Рафиков. Иктисадиётни модернизация килиш шароитида қишлоқ хўжалигида хизматлар бозори ва соҳада ракобат мухитининг хозирги ҳолати таҳлили.....	17
5. Д.Бўронова, М.Қодиров. Гоялар ва мағкураларниң ўзаро ижтимоий ҳамкорликдаги ўрни.....	22
6. О.Г.Дилмуродов. Мева-сабзовот махсулотларини саклашниң замоний тизимини ривожлантиришин иктисадий жиҳатдан кўллаб-кузватлари.....	29
7. Н.Н.Аскаров. Фермер хўжаликларида қишлоқ жойларида кўп тармоқли фаолиятни ривожлантириш.....	31
8. Ҳ.Сайдакбаров, С.Мамиров. Агросаноат мажмууда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш омилилари.....	35
9. С.А.АЗларова. Пути повышения конкурентоспособности аграрной продукции в Республике Узбекистан.....	37
10. М.С.Юсупова. Хоразм вилоятида олма ва нок қўчатларини паст бўйли пайвандтагларда этиштириш технологиясини таомиллаштириши.....	40
11. А.Р.Бахриддинов. Пилла этиштириши ва уни даётлабки қайта ишлаш корхоналари ўргасида шартномавий муносабатлар.....	42
12. Ш.Абдулазизов. Чорвачилик махсулотлари этиштириш соҳасида иктисадий муносабатлар шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	48
13. Г.Шодмонова, Ҳ.Каримова, Б.Рахманкулова. Фермер хўжаликлари ривожланишини моделиллаштиришининг услубий ёндашуви.....	53
14. С.П.Мавланов. Фермёр хўжаликларини ривожлантиришининг асосий боскичлари.....	57
15. Б.Шафкаров. Узумчиликни ривожлантиришининг ташкилай-иклисодий механизмини таомиллаштириш.....	59

Аграр иктисодиёт, 1-2-сон, 2013 й.

Г.ШОДМОНОВА,
ТИМИ, и.ф.н., доцент

Х.КАРИМОВА,
ТИМИ, и.ф.н., доцент

Б.РАХМАНКУЛОВА,
ТИМИ, и.ф.н., доцент

**Фермер хўжаликлари ривожланишини моделлаштиришининг
услубий ёндашуви**

Республика худудларида бугунги кунда ср участкаларининг ўлчамлари бўйича йириклиштирилган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу хўжаликларининг истикболда ривожланиши кўп жиҳатдан худудларининг табиий-иклим, ср-сув, иктисодий ва бошка шароитлари хамда давлат аграр сиёсатига боғлик хисобланади. Бошқача айтганда, фермер хўжаликларининг янада самарали фаолияти ва ривожланиши уларни пафакат хўжалик ғоритишининг бозор шароитларига, балки худудининг иктисодий ва ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларида боекичма-боекич мослашишига хам боғлиқдир. Бу, бизнингча, энг аҳамиятли илмий-амалий муаммо хисобланади. Унинг самарали хал этилиши кўптар ёмиллар ва шарт-шароитларга хамда фермер хўжаликларининг бозор мунисабатлари кўнижмаларига эга бўлиш имкониятларига боғлик. Бозор кўнижмаларига эга бўлиш фермер хўжаликлари учун иктисодиётининг тенг хуқуқли объектлари сифатида шаклланишидаги эсий боекич хисобланиб, уларниң бозор мухитидаги ривожланиш имкониятларини белгилаб беради.

Шу муносабат билан фермер хўжаликларини улар жойланган минтақалар (худудлар)ниң бозор ва табиий-иклим мухитига мослаштириш шароитида унинг хўжаликларининг ривожланиш ёмилларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Шундай хисобга олган холда, фермер хўжалик рининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи ёмилларни биз учта гурухга бўлдик. Ўнинчи гурухни макроиктисодий ёмиллар, иккинчи гурухни минтақавий (худудий) ёмиллар, ўчинчи гурухни ички

хўжалик омиллари ташкил қиласди. Фермер хўжаликларининг ривожланишида фермерлик харакатини кўллаб-кувватлаш борасидаги давлатининг тартибга солиш дастаги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир хўжаликнинг молиявий-иктисодий ҳолати кўп жиҳатдан мазкур дастакнинг таъсирчанилигига ва самарадорлигига боғлик.

Ҳозирги вақтда давлат томонидан яратилган ташкилий ва иктисодий механизmlар ва шарт-шароитлар, фермер хўжаликларини ривожлантириш ёмиллари сифатида, аиник мақсадга йўналтирилган хусусиятга эга бўлиб, улар амалиётда ўз самарасини бермоқда.

Шу билан бирга фермерларни кўлиаб-кувиатланни лавлат дастаги маҳсулотларга мамлакат ичида ва ташки бозорларда бўлган талабга боғлик бўлиб, айниқса бу давлат томонида бирламчи қайта ишлаш учун харид қилинадиган пахта хом ашиенини харид қилиш учун муҳим хисобланади. Фермерлар учун имтиёзлар, уларга бериладиган кредитлар миқдорлари ва муддатлари, уларниң фоизлари, шунингдек даромад солиги ставкалари ва улар томонидан харид қилинадиган маддий-техника ресурслари таъминоти ишлаб чиқарини ташкил этишида муҳим роль ўйнайди. Давлат бундай тартибга солинадиган кўрсаткичларниң қийматини ижтимоий-иктисодий заруратдан, шунингдек фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш молиявий имкониятларидан келиб чиқиб шакллантарида. Уларни табакалаш республика минтақаларининг ишлаб чиқарин ва ер-сув хусусиятларини хисобга олган холда жорий этилади.

Умуман оягандা, давлат томонидан тартибга солиншининг макроиктисодий

Аграр иқтисодиёт, 1-2-сон, 2013 й.

омиллари барқарорлаштирувчи хусусиятга эга бўлиб, фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим аҳамият қасб этади. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ва фермер хўжаликларининг самарадорлигини оширишида худудий омиллар муҳим аҳамиятга эга, улар жумласига ер ресурсларининг мавжудлиги ва ҳолати киради. Ерларнинг табиий унумдорлиги, тупрокнинг шўрланиш даражаси, сизот сувлари сатхининг жойлашиш даражаси ва шу каби омиллар қишлоқ хўжалиги экинларининг хосилдорлигига ҳамда этиштирилаётган маҳсулотнинг сифатига кучли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга худудлар ахолисининг зичлиги даражаси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш тажрибасига эга бўлган ишчи ва мутахасисларнинг мавжудлиги хам фермер хўжаликларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг муҳим омили хисобланади.

Фермер хўжаликларида самарадорликни таъминлаш учун гўзага ва сугорма дехқончиликнинг бошқа экинларига ишлов бериш технологиясини уларнинг ердан фойдаланиш шароитларига мослаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда алоҳида минтақаларда сув билан таъминланганлик даражаси қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда асосий омил ҳисобланади. Сугориш сувини вегетация даврида мақбул таксимлашнинг барча ташкилий масалалари ҳал этилмаган шароитда, ишлаб чиқарувчилар хосилнинг йўқотилишига дуч келишади. Шунинг учун фермер хўжаликларининг ишлаб чиқаришини жойлаштиришда ушбу омил катта ҳажмдаги сув истеъмол қилувчи экинларни этиштириш шароитларини чекловчи омил бўлиши керак.

Фермер хўжаликларининг ривожланишида бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда республика хукумати томонидан уларнинг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда, чунки ушбу тузилмалар томонидан амалда фермерларга турли хилдаги хизматларни кўрсатиш йўли билан уларни қўллаб-куватлаш борасидаги дав-

латнинг қўллаб-куватлаш дастури амалга оширилмоқда. Бунда хизматлар турлари ва параметрлари тегишлича худудларда фермер хўжаликларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва шартшароитларнинг сифат ва микдорий ифодасини акс эттиради.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариши ривожланишига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларнинг навбатдаги гурухи – бу ички хўжалик омилларидир. Улар жумласига ер участкасининг ўлчами, техника ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги киради.

Юкорида санаб ўтилган омиллар билан бирга фермер хўжалигининг ривожланишида қайта ишловчи саноат корхоналари, шунингдек хизматлар кўрсатиш соҳаси билан ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш муҳим аҳамият қасб этади. Ушбу йўналишда фермер хўжаликлари хорижий тажрибаларни хисобга олиб қайта ишловчи, маҳсулотларни сотиш ҳамда сервис хизматлари кўрсатувчи улушли кооператив корхоналар ташкил этиш самарали хисобланади. Шу муносабат билан айрим хорижий мамлакатлар фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш борасида кооперацон фаолиятни ташкил этиш тажрибаси ва уларни қўллаб-куватлаш механизmlарини амалиётга жорий этиш зарур.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш, улар ишлаб чиқаришини оптимал жойлаштириш ва ихтисослаштириш истиқболларини белгилашда республика хукуматининг қарорига¹¹ мувофиқ кабул килинган фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясига асос қилиб олинган худудий ўзига хос хусусиятларни ва фермерлар ишлаб чиқаришининг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни хисобга олиш зарур.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш ихтисослашувининг юзага келган гурухлари ичida ушбу хўжаликлар моделларини аниқлаш амалий жиҳатдан муҳим аҳамият қасб этади. Республикада фермер хўжаликларини ихтисослашувига кўра учта моделини ажратиш мумкин. Биринчиси

¹¹Постановлени КМРУз от 30.10.2003 г. № 476 «О мерах по реализации развития фермерских хозяйств на 2004-2006 годы»